

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

1-2019

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

А.Рафиқов, А.Сотволдиев	
Параболо - гиперболик тенглама учун нолокал шартли масала.....	5
И.Неъматов, С.Кукиева	
Предикатлар ва кванторлар ёрдамида теоремаларни тузиш	11
М.Азизов, С.Рустамова	
Бернулли тенгламасига келтириб ечиладиган биринчи тартибли оддий дифференциал тенглама учун Коши масаласи.....	13

КИМЁ

А.Ибрагимов, Ю. Исақов, О.Йигиталиева, А.Иброҳимов	
Ўзбекистонда ишлаб чиқариладиган мева шарбатлари ҳамда меваларнинг анализини ўтказиш услубиёти.....	17
Ю.Исаев, С.Рустамов, И.Асқаров, Н.Тўлаков	
Глициррининг кислотасининг таркибида мочевино бўлган ҳосилаларини синтез қилиш	21

БИОЛОГИЯ, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ

Р.Максудов	
“Балиқчилик инновацион маркази” фаолияти ва балиқчиликнинг истиқболлари.....	24

ГЕОГРАФИЯ, ТУПРОҚШУНОСЛИК

И.Зокиров, С.Исроилжонов	
Ҳашаротларнинг ўсимликка таъсир кучини аниқлаш мезонлари	27

Ижтимоий-гуманитар фанлар

ИҚТИСОДИЁТ

Н.Рахмонов	
Таълим хизматлари сифатини бошқаришнинг назарий асослари	31
М.Мўйдинов	
Агросаноат мажмуасида кичик ва ўрта бизнес кластерларини шакллантириш принциплари.....	35

ТАРИХ

Б. Усмонов	
XV асрнинг 70-йилларида Фарғона	39
Н.Режаббоев	
Наманган уездидаги “овқатланиш пункт”ларининг фаолияти	43
А.Нурматов	
XX асрнинг 80-йилларида енгил ва озиқ-овқат саноати моддий-техника базасининг айрим ҳолатлари хусусида (Фарғона водийси мисолида).....	49
М.Мансуров	
Фарғона водийсида қишлоқ туризмнинг ривожланиш жараёнлари ва имкониятлари	55
Х.Юнусова, У.Усаров	
Фарғона водийси деҳқончилик маданияти ва аънаналари ҳақида баъзи мулоҳазалар.....	58

ФАЛСАФА, СИЁСАТ

Т.Абдуллаев	
Инсон эҳтиёжларининг шаклланиш хусусиятлари	62

УДК: 63+548.7

“БАЛИҚЧИЛИК ИННОВАЦИОН МАРКАЗИ” ФАОЛИЯТИ ВА БАЛИҚЧИЛИКНИНГ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Р.Максудов

Аннотация

Мақолада республикамизда балиқ етиштириш борасидаги баъзи муаммолар ва уларнинг бартараф этиш чоралари таҳлил этилган. Мустақиллик йилларида бу борада амалга оширилган ишлар ёритилган.

Аннотация

В статье анализируются некоторые проблемы выращивания рыбы в республике и пути их устранения. Освещена работа, осуществленная в этом направлении в годы независимости.

Annotation

In the article some problems of fish – breeding in the Republic and their solutions are analyzed. Also their realization info practice is given.

Таянч сўз ва иборалар: балиқчилик, илмий усуллар, интенсив технологиялар, сунъий тупроқ ҳавзалари, табиий сув ҳавзалари, Орол денгизи, инфротузилма, кичик ҳовузлар, инновацион технологиялар.

Ключевые слова и выражения: рыбоводство, научные способы, интенсивные технологии, искусственные, водоёмы, естественные водоёмы, Аральское море, инфраструктура, малые водоёмы, инновационные технологии.

Keywords and expressions: fish – breeding, scientific method, intensive technology, artificial reservoir, natural reservoir, Aral sea, infrastructure, small reservoir, innovative technology.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 28 декабрда Республика Олий Мажлиси депутатлари ва сенаторларига қилган мурожаатида аграр тармоқдаги энг катта муаммо – фермерларнинг қишлоқ хўжалиги соҳасида етарли билимга эга эмаслиги ва аҳолини озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда балиқчиликни янада ривожлантириш катта аҳамиятга эга эканлиги айтиб ўтилди.

Республикамиз Президентининг 2017 йил 1 майдаги “Балиқчилик тармоғини бошқариш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2939-сонли қарорига асосан ҳудудларда балиқчиликни ривожлантириш ва ушбу соҳадаги кадрлар малакаларини илмий ҳамда амалий йўналишда ошириш мақсадида, жойларда “Балиқчилик инновацион маркази”ни ташкил қилиш белгиланди.

Балиқчилик юқори технологик соҳа ҳисобланиб, унинг унумдорлигини оширишда саводли ва билимдон мутахассислар талаб қилинади. Ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг энг мақбул йўли – унга балиқ етиштиришнинг илмий асосланган усуллари ва интенсив технологияларни жорий этишдир.

Республикамизда 1960 йилларнинг бошига қадар балиқ

овловчилар фақат Орол денгизидagina мавжуд эди. Бироқ ирригацион қурилиш оқибатида бутун ҳавзанинг табиий тартиботи бузилиб, Орол экологик инқирози вужудга келди. Натижада денгиз кичрайиб, суви ўта шўрлашиб, балиқлар унда яшай олмайдиган ҳолга келди. 1960-1980 йилларни ўз ичига олган даврда Ўзбекистонда иқтисодийнинг янги – сунъий тупроқ ҳовузларда балиқ урчитиш ва етиштириш тармоғи барпо этилди. Булар вилоятларда ташкил этилган балиқчилик хўжаликлари эди. Бугунги кунда эса ҳовуз хўжаликлари – фермер хўжаликлари ва МЧЖлар шаклида республиканинг барча вилоятларида мавжуд ҳамда улар асосий балиқ ишлаб чиқарувчилар ҳисобланади. Мамлакатимизда тармоққа эътиборнинг кучайиши натижасида 2008 йилда 9 минг тонна, 2015 йилда эса 76 минг тонна, 2017 йил 100 минг тонна, 2018 йил 120 минг тонна балиқ етиштирилган бўлса, 2019 йилда 150 минг тоннадан ортиқ балиқ етиштириш режалаштирилмоқда.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, балиқ човоқлари етиштириш, табиий сув ҳавзалари ва сунъий тупроқ ҳовузларидан самарасиз фойдаланиш балиқчилик тармоғининг энг заиф бўғини ҳисобланади. Республика балиқчилигидаги камчиликлар,

Р.Максудов – Фаргона давлат университети ректори, техника фанлари доктори, профессор.

БИОЛОГИЯ, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ

муаммолар ва мавжуд имкониятлар Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан 2017 йилнинг 27 апрель куни Жиззах вилоятида амалга оширилаётган ишлар билан танишиш чоғида кўрсатиб ўтилди.

Балиқчилик тармоғидаги бу муаммоларни бартараф этиш мақсадида 2017 йил 1 майда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Балиқчилик тармоғини бошқариш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2939-сонли қарорига мувофиқ “Ўзбекбалиқсаноат” уюшмаси ташкил этилди. Унинг таркибига жойларда балиқчилик тармоғи ташкилотлари ишларини мувофиқлаштирувчи 13 та ҳудудий “Балиқсаноат” масъулияти чекланган жамиятлари киради. Бундан ташқари, балиқчилик тармоғида илмий-тадқиқот ишларини янада такомиллаштириш, илмий кадрлар тайёрлаш, илмий ва техник янгиликларни тадбиркорлик субъектларига етказиш мақсадида “Балиқчиликни ривожлантириш илмий-тажриба станцияси” Балиқчилик илмий-тадқиқот институтига айлантирилди. Айдар-Айнасой кўллар тизимида ҳамда республиканинг бошқа ҳудудларида унинг филиалларини, яъни “Балиқчилик инновацион марказлари”ни очиш белгиланди. Шунга кўра, биз кўп жойдаги турли шаклда тузилган балиқчилик хўжаликлари ва корхоналарининг ишлаб чиқаришларини, имкониятларини ҳар томонлама ўрганиб чиқиб, хўжалик мутасаддиларини келажакдаги режаларини эшитиб, энг асосийси, хўжаликда балиқчиликни юритишга ташкил қилинган мукамал инфратузилма: электр, газ, ичимлик суви, оқар сой суви мавжудлигга эътиборни қаратдик. Хўжалик раҳбари, техника фанлари номзоди, доцент Алишер Мамажоновнинг балиқчиликдаги кўп йиллик тажрибасини инobatга олган ҳолда марказ ишини юритиш учун лаборатория хонаси ажратилиши ҳамда турли ўлчамдаги 12 дон бетон ҳовузлар ва хўжалик умумий фойдаланиш биносидан бир қисмининг берилиши Фарғона давлат университетининг “Балиқчилик инновацион марказини” Фарғона шаҳар балиқчилик йўналишидаги “Ўрағбой ота” фермер хўжалиги негизида ташкил этишимизга асос бўлди. Университет ва хўжалик ўртасидаги алоқалар, ҳамкорлик

шартномаси асосида университетнинг магистратура ва бакалаврият талабалари хўжаликда ўқув амалиётларини ўтказмоқдалар, талабаларнинг балиқчиликка оид битирув-малакавий ишларига хўжалик мутахассислари тақриз ва маслаҳатлар бериб бормоқдалар. Шунингдек, ҳозирда университет ва хўжалик аъзоларининг ҳамкорликдаги изланишлари натижасида “Ўзбекистон Республикаси минтақаларида ҳовуз балиқчилигини юритиш асослари” рисоласи коллеж ўқувчи-ёшлари, олий ўқув юртлари магистратура ва бакалаврият талабалари, балиқчилик хўжаликлари ҳамда корхоналари ишчи ходимлари учун қўлланма сифатида тайёрланди. Қўлланмада тупроқ ҳовузларда илмий асосда балиқчиликни юритиш, шунингдек, кичик ҳовузларда интенсив усулларда балиқ етиштириш технологиялари ва бизнес режалойиҳалари тузиш ёритилган.

Юқорида қайд этилган қарор мазмунидан келиб чиқиб, марказ томонидан ушбу дастлабки ишлар амалга оширилмоқда ва келгусида қуйидагиларни бажариш кўзда тутилмоқда:

- ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибаларидан келиб чиқиб, балиқчилик соҳасининг юқори технологияли илмий-инновацион тажриба участкасини ташкиллаш;

- Фарғона давлат университетида 2018-2019 ўқув йилидан бошлаб ихтиология мутахассислиги бўйича магистрлар тайёрлаш йўлга қўйилган бўлса, 2019-2020 ўқув йилидан Зоотехния (балиқчилик) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар ва ихтиология ихтисослиги бўйича докторантура институти фаолиятини ташкил этиш;

- Вьетнам ва Хитой балиқ етиштириш технологияларини ўрганиб, уларни ҳудудга олиб кириш мақсадида, ихтиология йўналиши бўйича магистратура талабаларини ушбу давлатларга юбориш;

- суви ёпиқ тизимда айланадиган ҳовузларда балиқ етиштириш технологиясидан фойдаланиб, қимматбаҳо балиқ турларини йил давомида узлуксиз вегетация даврини таъминлаш орқали етиштириш;

- балиқ етиштириш ва уни қайта ишлаш соҳасида ишлаб чиқилган инновацион технологияларни кенг жорий

этиш учун илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш ва эришилган натижаларни балиқчилик корхоналарига жорий этиш;

- балиқ этиштиришнинг замонавий технологияларини, шу жумладан, қафас усулини кенг жорий этиш ҳамда табиий ва сунъий сув ҳавзаларида маҳсулдорликни кўпайтириш ҳисобига балиқ овлаш ҳажмларини оширишга тааллуқли ишларни амалга ошириш;

- марказ ишига хорижий балиқшунос ва бошқа малакали мутахассисларни жалб қилиш;

- юқори маҳсулдор ва ноёб балиқ турларини иқлимлаштириш;

- саноат асосида кичик ҳовузларда интенсив усулда ноёб товар ва декоратив балиқларни этиштириш ҳамда уларнинг личинка ва човоқларини фермер хўжаликларига этиштириб бериш учун илмий ишлаб чиқариш тажриба-лаборатория биносини қуриш;

- балиқлар учун тўла қийматли юқори оқсилли озуқалар ишлаб чиқаришни балиқчилик тармоғи ташкилотларида йўлга

қўйиш билан ушбу тармоқнинг озуқа базасини мустаҳкамлаш;

- табиий ва сунъий сув ҳавзаларини балиқлантириш учун қимматли балиқ турларини кўпайтиришни йўлга қўйишда балиқчилик тармоғи ташкилотларига кўмаклашиш;

- балиқчилик корхоналари ишчи ходимларини соҳа бўйича ўқитиш, уларни малакасини оширишни ташкил қилиш;

- ихтиология ва гидробиология бўйича иқтисодиёт соҳалари ва тармоқлари эҳтиёжидан келиб чиқиб ўқув адабиётлари ва ўқув-методик комплексларни ишлаб чиқиш;

- региондаги коллеж ва олий ўқув юрти талабаларининг ўқув амалиётлари, диплом ва илмий ишларини ташкил қилиш;

Юқоридаги ишларни амалга оширилиши, яъни “Балиқчилик инновацион маркази” фаолиятини самарали йўлга қўйилиши келажакда ҳудудда балиқчилик соҳасини янада ривожлантириш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Қарори. Балиқчилик тармоғини бошқариш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлар тўғрисида. // “Халқ сўзи” газетаси. – 2017 йил 2 май. -№ 86(6780).
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси. // “Халқ сўзи” газетаси. – 2018 йил 29 декабрь. -№ 271. -272 (7229-7230).